# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 58 (9.708) 2002 йил 20 май, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Туркиянинг «Коч Холдинг» компанияси бош ижрочи директори Булент Ўзойдинлини қабул қилди. Учрашувда «СамКочавто» қўшма корхонасини янада ривожлантириш борасидаги янги лойиҳалар, Ўзбекистон корхоналарининг «Коч Холдинг» билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра халқимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари ҳамда маданий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва хорижий элларда тарғиб қилишдаги катта хизматлари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси учун археолог олим ва жамоат арбоби Кюдзо Като «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

● Тошкентда ўтказилган тантанали маросимда япон олими Кюдзо Катога давлатимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени топширилди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Канада Давлат котиби Гар Кнутсон раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлди. Канадалик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Атом энергетикаси бўйича халқаро агентликнинг (МАГАТЭ) Бош директори Муҳаммад Эл Барадей раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликларида ҳамда Фанлар академиясида музокаралар ўтказди.

● Сурхондарё вилоятида жорий йилнинг илк ҳосили пилла топшириш йиллик шартнома режаси бажарилди. Вилоят пиллакорлари давлатга 960 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси топширдилар. Пиллакорлар жами ҳосилни 1000 тоннага етказиш йўлида ғайрат кўрсатмоқдалар.

● Каттақўрғон шаҳрида Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси томонидан фойдаланишга топширилган янги алоқа телефон станцияси шаҳар аҳолисига бир қатор қулайликлар яратди. Эндиликда аҳоли уйдан туриб қисқартирилган кодлар орқали жаҳоннинг исталган нуқтаси билан тўғридан-тўғри боғлана олади.

● **Эртага** Тошкентда «Экспо Италия — 2002» учинчи кўргазмаси очилади. 24 майгача давом этадиган ушбу кўргазмада Италия технологияси, жиҳозлари ва тайёр маҳсулотлари намойиш этилади.

● Бухоро вилоят ҳокимлигида «Универсиада — 2002» мусобақаларини ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда «Универсиада-2002»га тайёргарлик якуни билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

● Жиззахда республика акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг филиали капитал таъмирлашдан сўнг яна беморларни қабул қила бошлади. Ҳозирги пайтда ушбу тиббиёт муассасаси бир вақтнинг ўзида 170 беморни қабул қилиш ва уларга ҳар томонлама малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эгадир.

● Қашқадарё вилоятининг кўзи ожиз болаларга мўлжалланган ихтисослашган мактаб-интернатнинг қўшимча замонавий ўқув корпуси бунёд этилди ва фойдаланишга топширилди.

● **Эртага** Республика Байналмилал маданият марказида шоир, мутафаккир ва файласуф Махтумқули ижодига бағишланган шеърият кечаси ўтказилади. Ушбу тадбир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Туркман маданият маркази томонидан ташкил этилмоқда.

● Алишер Навоий номидаги Андижон мусиқали драма ва комедия театри жамоаси Эркин Хушвақтов қаламига мансуб «Чимилдиқ» асарини саҳналаштириб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Асарни Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев саҳнага қўйди.

● Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуида икки кун давомида ўтказилган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси соврини учун 1984-85 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасидаги кураш ва белбоғли кураш бўйича иккинчи республика турнирида юртимиз бўйлаб ўтказилган уч босқичли саралаш беллашувларида ғолиб чиққан 270 нафар йигит-қиз ўзаро куч синашди.

### Жаҳонда

● **Бугун** жаҳон харитасида яна бир янги мустақил давлат пайдо бўлди — Шарқий Тимор ўзининг мустақиллигини эълон қилди. БМТ Бош котиби Кофи Аннан жаҳоннинг 192 мустақил давлати биринчи Президентидан қасамёдни қабул қилди.

● Таиландда бошланган йирик халқаро ҳарбий машқларда Америка ҳарбий хизматчилари иштирок этмоқда. «Cobra Gold-2002» номини олган бу машқларга Американинг 14 минг аскари, Таиланд қуролли кучларининг эса 7 минг, Сингапурдан мингга яқин аскар жалб этилган. Ҳарбий машқлар июннинг биринчи кунигача давом этади. Ушбу машқлар мамлакатнинг қайси ҳудудларида ўтказилаётгани ҳозирча ошкор этилмаяпти.

● Сербиянинг Косово ўлкасидан халқаро тинчликпарвар кучлар таркибига кирувчи россиялик ҳарбий хизматчиларнинг дастлабки юз нафари ватанига қайтди. Июнь ойигача бу ўлкадан 1200 аскар ва зобит Россияга қайтиши, 400 ҳарбий техника олиб чиқиб кетилиши режалаштирилган.

● Россия Федерацияси Ташқи ишлар маҳкамасининг раҳбари Игорь Иванов дипломатик корпус вакилларини хорижликларга нисбатан экстремизмнинг бирорта ҳоллари ҳам эътиборсиз қолмаслигига ишонтирди.

● Голландияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Ундан бир неча кун аввал Ўта ўнглар партиясининг вакили Пим Фортейн ҳаётига суиқасд уюштирилиши боис сайловларнинг қолдирилиши кутилган эди. Бироқ ҳукумат бу йўлдан бормади. Сайловлар ўтказилди. Дастлабки натижаларга қараганда, Христиан демократлар партияси энг кўп овоз олган. Энди улар парламентда 40 ўринга эга бўладилар. Ўнглар эса иккинчи ўринда қолиб, 26 ўринни банд этадилар.

● Ўтган йилги 11 сентябрдаги фожиали воқеалардан сўнг АҚШ Конгресси разведка ишларига кўпроқ маблағ ажратиш мақсадида музокаралар ўтказди. Сенаторлар Президент Жорж Бушнинг илтимосини қўллаб-қувватлаб, 1 октябрдан эътиборан ҳарбий маҳкама — Пентагон ва Марказий Разведка Бошқармасига 35 миллиард доллар ажратишга розилик бердилар.

● НАТОнинг Бош котиби лорд Робертсон ташқи ишлар вазирларининг Исландия пойтахтида бўлиб ўтган икки кунлик учрашуви шу йилнинг ноябрь ойида Прагада ўтувчи саммит томон йўлдаги муҳим босқич бўлди, деб таъкидлади.

● **Бугун** Латвияда Россия фуқароси, собиқ партизан Василий Кононовнинг жиноий ишини қайтадан кўриб чиқиш бошланади. Василий Кононов Латвия суди томонидан ҳарбий жиноятлар содир этганликда айбланмоқда.

● Буюк Британиянинг Афғонистондаги тинчликпарвар кучлари таркибидаги 18 аскар номаълум касаллик юқтиргани ҳақида хабар тарқалди. Кобул яқинида жойлашган Баграм авиабазасидаги бу ҳарбий тиббий ходимлар қандай хасталикка дучор бўлишгани ҳозирча аниқлангани йўқ. Мутахассисларнинг фикрича, у ўткир ичак касалликлари аломатларига эга.

● Франциянинг Канн шаҳрида очилган 12 кунлик энг нуфузли кинофестиваль ўз ишини давом эттирмоқда. Соврин олишга тавсия этилган 22 кинофильм намойиши қизиқарли кечмоқда. 55-фестивалга Голливуднинг энг машҳур юлдузлари ташриф буюришди. Ҳакамлар раёсатини машҳур киношунос, режиссёр Девид Линч бошқармоқда.

● Женевада бўлиб ўтган кимошди савдосида америкалик афсонавий мусиқачи Дюк Эллингтоннинг тилла қўл соати 1,6 миллион долларга сотилди. Patek Philippe фирмасининг маҳсулоти бўлмиш бу соатни Швейцариядаги соатлар музейи маъмурияти сотиб олди.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

❒ **«ЎЗБЕКИСТОН** ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг хитойлик шу соҳа мутасаддилари билан ҳамкорлиги натижасида Тошкент — Пекин йўналишида ҳафтада 4 маротаба самолётлар қатнови йўлга қўйилди.

❒ **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида ҳуқуқшунослар иштирокида «Демократик давлат — фуқаролик жамият шаклланишининг ҳуқуқий асослари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

❒ **АБДУЛЛА** Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида талабалар иштирокида аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва маънавият масалаларига бағишлаб ўтказилган анжуман Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар Маънавият ва маърифат маркази ташаббускорликларида уюштирилди.

❒ **ЮНУСОБОД** тумани ҳокимлигида туман фаоллари, корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласи муҳокама қилинди.

❒ **РЕСПУБЛИКА** онкология маркази олимлари томонидан ишлаб чиқилган «Декоции» препарати синовдан муваффақиятли ўтди. Асосан рак касалликларини муолажа қилишга мўлжалланган ушбу дорининг амалда қўлланиши мумкинлиги ҳақида олимлар ижобий фикр билдирмоқдалар.

❒ **«БОЛАЛАР** ижодиёти» республика марказида ташкил этилган «Юнкар» тўгараги бўлажак журналистларга бу соҳа сирларини мукаммал ўргатишни ўз олдига мақсад қилган. **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 24-мактабда ҳам «Юнкар» тўгараги ўз фаолиятини бошлади.

❒ **ЯПОН**-ўзбек иқтисодий ҳамкорлик ассоциациясида мамлакатимиздаги тадбиркорлар иштирокида ўтказилган бизнес-семинарда халқ амалий санъати, матбаачилик, товар айирбошлаш соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида ўзаро фикр алмашилди.

❒ **ТОШКЕНТ** Ислом университетида ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган илмий-услубий семинарда диншунослик фани бўйича янги дарсликларни мукаммал яратиш масаласи муҳокама этилди.

❒ **БОБУР** номидаги истироҳат боғида дам олувчиларга қулайлик яратиш мақсадида фаолият юритаётган 2 та декоратив сув ҳавзаси, теннис корти, мини-футбол майдони ҳамда спорт-соғломлаштириш маркази келажагимиз ворислари — болажонларга бепул хизмат кўрсатмоқда.

❒ **ШУНИНГДЕК,** Ҳамза туманидаги чиқиндиларни зичлаш заводида янги шохобча иш бошлаш арафасида. Бу шохобчанинг ташкил этилиши хориждан келтирилган технологиялар ёрдамида чиқиндиларни зичлашда катта қулайлик туғдиради.

❒ **«ТОМЧИ** қон — хаста учун нажотдир». Республика гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида мазкур илм маскани қошидаги гемофилия маркази ташаббуси билан ўтказилган хайрия тадбири ана шундай номланди.

❒ **ТОШКЕНТ** электротехника ва алоқа институтида талабалар иштирокида уюштирилган «Талабалар баҳори» кўрик-танловида ғолибликни телекоммуникация ва информацион техника технологиялари факультети талабалари қўлга киритишди.



*Яккасарой туманида Усмон Носир кўчаси бўйлаб 123 метрлик кўприк қурилиши жадал суръатлар билан давом этмоқда. Ушбу қурилишда айниқса 13-кўприк қурилиши корхонаси жамоасининг хизматлари таҳсинга сазовордир.*

*СУРАТДА: корхонанинг етакчи бунёдкорларидан Воҳид Мусаев, Баҳром Уркинбоев ва Абдулла Манноповлар иш лойиҳаси билан танишмоқда.*

*Сергей Любчич олган сурат.*

**САНОАТ**

## Корхонанинг янги маҳсулоти

***Бозор иқтисодиёти талабини тўғри англаган ҳар бир тадбиркор бозорни яхши ўрганиб харидоргир маҳсулот тайёрлашга, унинг турларини ҳар доим янгилаб боришга асосий эътиборни қаратмоқда.***

Шаҳримиздаги «TUFIN» Ўзбекистон - Исроил қўшма корхонаси тадбиркорлари ҳам бунга амал қилиб импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйишмоқда. Яқинда корхонада яна бир янги цех ишга тушади. Хорижий ускуналар билан жиҳозланган ушбу цехда хамиртуруш ишлаб чиқариш бошлаб юборилади.

— Бошқа маҳсулотларимиз сингари янги маҳсулотимизнинг ҳам харидорларга манзур бўлишига ишонамиз, — дейди қўшма корхона раҳбари Эркин Мусаев. — Чунки у харидор диди ва талабидан келиб чиқиб қадоқланади. Шу билан бирга қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилади.

Ҳадемай корхонанинг янги маҳсулоти шаҳримиз дўконлари орқали харидорларга етказилади.

**(Ўз мухбиримиз).**

**АНЖУМАНЛАР**

## Илмий-амалий конференция

**«ЭКОСАН» халқаро жамғармасида Республика «Нуроний» жамғармаси, «ЭКОСАН» фахрийлар уюшмаси ҳамкорлигида «Соғлом муҳит — соғлом қариялик» шиори остида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция «Экология, геронтология ва гериатрия» деб номланди.**

Унда тиббиёт ва экология соҳасидаги етук олимлар иштирок этишди. Республика Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Дамин Асадов, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош геронтологи Мақсуд Асадуллаев, Курортология ва физиотерапия институти директори Анис Алявиларнинг «Кексаларни ижтимоий тиббиёт кўригидан ўтказиш натижалари», «Ўзбекистон Республикасида геронтология ва гериатрик хизмат кўрсатиш масалалари», «Катта ёшдаги беморларни даволаш ва реабилитация қилиш тамойиллари» мавзуларидаги маърузалари йиғилганлар эътиборини тортди. Республика Ибн Сино жамғармаси, Тошкент Давлат тиббиёт институти, Врачлар малакасини ошириш, Генетика институтлари олимлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Юнусобод туманидаги «Нуроний» оромгоҳи ва бошқа муассасалардан вакиллар иштирок этган ушбу анжуманда қарияларга хизмат кўрсатишнинг аҳамиятига бағишланган кўплаб маърузалар тингланди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Мамлакатимизда бугунги кунда тадбиркорликка кенг йўл очилган. Бу борада маиший хизмат соҳасидаги тадбиркорлик ҳам ўз самарасини бериб, аҳолига сифатли ва намунали хизмат кўрсатишда муҳим ҳисса бўлмоқда.**

## Мижозлар сафи кенгаймоқда

Шаҳримиздаги «Азиза Сайфи қизи» хусусий корхонасида хусусийлаштириш жараёни ўз натижасини бериб, мижозлар талаби даражасидаги хизмат ташкил этилган. 70 нафар хотин-қиз фаолият кўрсатаётган ушбу хусусий фирмада аҳоли буюрмаси асосида турли хилдаги аёллар, эркаклар ва болалар кийим-кечаклари тикилади. Бу ерда мижознинг талаб ва таклифидан келиб чиқиб иш юритилгани боис ҳам намунали хизматдан ҳамшаҳарларимиз бениҳоя мамнун бўлишмоқда.

Корхона чеварлари фақатгина мижозларга хизмат кўрсатибгина қолмай, шунингдек бозорни ўрганиш асосида аёллар учун турли бичимдаги тайёр кийим-кечаклар, мактаб ўқувчилари учун формалар ҳам тайёрлашади. Улар бозор иқтисодиёти шароитида харидор талабига кўра сифатли ва қулай нархдаги, тез эътибор қозонадиган маҳсулотлар тайёрлаш йўлида ҳам изланмоқдалар.

— Бизнинг мақсадимиз мижозларни ўзимизнинг чиройли, сифатли меҳнатимиз билан жалб этишдир. Ҳар бир остона ҳатлаб кирган мижозимизни беэътибор қолдирмаймиз, — дейди хусусий корхона раҳбари Азиза Ғуломова. — Уларнинг буюрмаси каттами, кичикми, қандай бўлишидан қатъи назар бенуқсон бажаришга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун эса бизда барча имкониятлар етарли, ходимларимиз малакали. Шунинг баробарида ишчиларимиз қилган меҳнатларига қараб моддий ва маънавий рағбатлантириб борилади. Меҳнат интизоми ҳар бир ходим учун биринчи ўринда туради. Вақтдан, дастгоҳлардан унумли фойдаланишга интиламиз. Албатта, оилали аёлларга қулай бўлиши учун иш шароитимизни шундай ташкил этганмизки, улар бир кун ишлаб, эртасига дам олишади. Бу сифатли маҳсулот тайёрланишига муҳим ҳисса бўлмоқда.

Корхонада ёшларга касб сирларини ўргатишга ҳам алоҳида эътибор билан ёндошилади. Чунки улар эртанги ўринбосарлар, жамоа ютуғига муносиб ҳисса қўшувчилардир. Айниқса Марғуба Хонхўжаева, Маъпура Тоирова, Муяссар Икромова, Маҳсума Музаффарова, Вазира Темурова, Шоҳида Комилова сингари бичиқчи ҳамда усталар замонавий ҳамда миллий либослар дизайни устида тинмай меҳнат қилиш билан бирга, шогирдларининг ҳам маҳоратларини оширишда саъй-ҳаракатларини аяшмайди. Шунинг учун бўлса керак, бу корхонага нафақат пойтахтимиздаги, балки вилоятлардаги мижозлар ҳам қизиқишади, ҳар хил буюртмалар билан мурожаат этишади.

— Келгусида эса корхонани янада ривожлантириш, замонавий либослар яратиш учун янги хорижий дастгоҳлар билан жиҳозлашни кўзда тутаяпмиз. — дейди Азиза Ғуломова. — Чунки одамларимизнинг диди ўсиб бормоқда, маънавиятимиз юксалмоқда. Биз хизмат кўрсатувчилар ҳам ана шунга яраша меҳнат қилишимиз, изланишимиз керак. Шунингдек, «Боғкўча» маҳалласидаги уйда ўтирган аёллар учун тикув цехи очишни ҳам режалаб турибмиз. Хуллас, тадбиркорга бугунги яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, қайси соҳада меҳнат қилмайлик мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоғимиз лозим.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!**

## «Оила» маркази иш бошлади

**Келажагимиз ворислари — ёшларнинг баркамол, маънан етук бўлиб вояга етишларида энг аввало жамиятимизнинг кичик бўғини ҳисобланмиш оиланинг ўрни беқиёс эканлиги равшан.**

Сергели туманида фаолиятини бошлаган «Оила» маркази ўз олдига эзгу мақсадларни қўйган.

Ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, соғлом авлодни камол топтириш мақсадида иш бошлаган «Оила» маркази биносининг қурилишига 35 миллион сўм маблағ сарфланиб, барча шарт-шароитлар яратилди. Дарвоқе, марказ қошидаги тикиш-бичиш цехлари ва бошқа тўгараклар ёшларнинг касб-ҳунар ўрганишларига, пухта билим эгаллашларига ёрдам беради. Ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллада ана шундай марказлар ташкил этилса нур устига аъло нур бўлар эди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ**

## Африкалик ёш курашчилар — Ўзбекистонда

**Куни кеча юртимизга Жанубий Африка Республикаси курашчилари делегацияси ташриф буюрди.**

Ушбу сафардан эса ривожланиб бораётган ўзбек кураши билан ЖАР ёшларининг янада чуқурроқ танишишлари, ўзбек курашининг тарғиботини кучайтириш ва келажакдаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш каби хайрли мақсадлар кўзланганди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Жанубий африкалик ёш курашчилар иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда Халқаро Кураш Ассоциациясининг президенти Комилжон Юсупов ва ЖАР делегацияси раҳбари Венгрияда кураш бўйича ўтказилган учинчи жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳиби Андре Кристиан Ванзиллар йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Сўнг африкалик курашчилар Республика Олимпия захиралари коллежида ҳам бўлиб Ўзбекистон кураш усталарининг маҳорат сирлари билан яқиндан танишишди.

Хорижлик ўзбек кураши ихлосмандлари Самарқанд шаҳрида ҳам бўлишди. Шунингдек, Наманган шаҳрида ўтказилган «Соғлом авлод учун» мусобақаларида қатнашиб, ўз маҳоратларини намоён этишди.

## ШАҲРИМИЗ ТЕННИСЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

**Илгари хабар берганимиздек, шаҳримиздаги «Динамо» теннис кортларида уч кун давомида Ўзбекистон Республикаси Кубоги учун Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти терма жамоалари ўртасида беллашувлар бўлиб ўтди.**

Мусобақанинг биринчи куни кортга тошкентлик Иноятов, Икромов ва пойтахт вилояти жамоасидан Холмуҳамедов, Воҳидовлар тушди. Бу баҳсларда Иноятов Холмуҳамедовни 6/0, 6/0, Икромов эса Воҳидовни 6/1, 6/2 ҳисобида енгган ҳолда Тошкент шаҳри жамоаси вакилларининг қўли баланд келди.

Иккинчи куни жуфтлик баҳслари бўлиб ўтди. Мазкур учрашув ҳам 6/3, 6/2 ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари фойдасига ҳал бўлди.

**КЕЧА** тошкентлик Иноятов вилоятлик рақиби Криловга қарши кортга тушди. Унда ҳам пойтахтлик теннисчининг қўли баланд келди.

Умумжамоа ҳисобида зафар қучган теннисчиларимиз кейинги босқичга йўлланма олишди.

**Бахтиёр КАРИМОВ**

## *Йирик ҳисобда*

**Мамлакат XI миллий чемпионатининг**

**КЕЧА**

**«Пахтакор» марказий ўйингоҳида ўтказилган учрашуви билан 10-тур баҳслари ниҳоясига етди.**

Ўз майдонларида «Андижон» жамоасини қабул қилган «пахтакор»чилар бу сафар ҳам 5:0 ҳисобида ғалаба қозониб ишқибозлари кўнглини шод этишди. Меҳмонлар дарвозасига голларни Сервер Жеперов (11 метрлик жаримадан), Леонид Кошелев ва Зайниддин Тожиев йўллаб йирик ҳисобдаги ғалабани таъминлашди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Трактор» — «Нефтчи» 1:1, «Самарқанд-Динамо» — «Сурхон» 2:0, «Бухоро» — «Дўстлик» 2:1, «Сўғдиёна» — «Насаф» 1:3, «Зарафшон» — «Қўқон-1912» 3:0, «Машъал» — «Қизилқум» 3:6, «Навбаҳор» — «Металлург» 2:2.

Навбатдаги 11-тур ўйинлари 25 май куни бўлиб ўтади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ТРАНСПОРТ**

## *ИШДА УНУМ БЎЛСИН*

**Шаҳримиздаги 4-автосарой акционерлик жамияти фаолияти билан танишар эканмиз, у ердаги озодалик, ишнинг режа асосида намунали ташкил этилганлигию ҳайдовчиларнинг ўз касбларига бўлган садоқатини кўриб қувондик.**

Айни кунларда автосаройда 13 йўналиш бўйича 136 та автобуслар эрта тонгдан эл хизматига отланишади. 2 та «Лаз 699», 66 та «Лаз 695», 38 та «Лиаз 677» ҳамда 30 та «Мерседес-Бенц» автобуслари шулар жумласидандир. Корхона жамоаси ўтган йили 49 миллиондан ошиқ йўловчиларни ўз манзилларига элтиб, режани ортиғи билан бажарган. Бу йил ҳам улар шу мақсадда ғайрат билан меҳнат қилишаётир.

— Иш унумини оширишнинг йўлларидан бири бу ишчи ва хизматчиларга керакли шароит яратиб беришдир, — деди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Элдор Мадазимов. — Корхонамиз 1997 йили акционерлик жамиятига айлантирилганидан кейин бир қатор ижобий ишлар амалга оширила бошланди. Шунингдек, ҳайдовчиларимизда ўз ишига бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Сўнгги пайтларда биз ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга кўпроқ эътибор қаратмоқдамиз. Хусусан, ўтган 2001 — Оналар ва болалар йилида уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилаларга 410 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Корхонамизда ишлаётган хизматчиларнинг фарзандларининг 106 тасига дам олиш оромгоҳларига, ўзларининг соғлиғини тиклаш учун турли санаторийларга 13 та йўлланма берилди. Шу билан бирга корхонамизда турли тадбирлар, учрашув ва маросимлар мунтазам ўтказиб турилади. Энг асосийси бу ерда ёшлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун корхона ҳудудида волейбол майдончаси, теннис столи, шахмат-шашка бўлиб, турли мусобақалар ўтказиб турилади. Бир сўз билан айтганда йўловчиларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилаётган ишчи-хизматчиларимиз учун етарли шарт-шароитлар яратишга интиламиз.

**Очил ҲАЗРАТОВ**

# БУНЁДКОР

**Пойтахтимизнинг кундан-кунга ўзгача чирой очишида мустақиллик йилларида бунёд этилаётган замонавий, жаҳон андозалари даражасидаги йўл ва кўприкларнинг ўрни каттадир. Улар, айниқса ҳамшаҳарларимизга, транспорт ҳайдовчиларига алоҳида қулайлик яратиб, бунёдкорларнинг куч-ғайратлари, меҳнат маҳоратлари намоён этилганлиги билан ажралиб туради. Бугунги суҳбатдошимиз ана шундай улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишда муносиб ҳисса қўшиб келаётган «Кўприкқурилиш» трестига қарашли 13-кўприкқурилиш бошқармаси раҳбари Дониёр БОЛУСОВ жамоа аҳлининг айни кунлардаги юмушлари ва келгусидаги мақсадлари хусусидаги саволларимизга қуйидаги жавобларни берди.**

МУСОҲАБА

## Кўприксозлар ғайрати

**— Аввало, кўприксозлар жамоаси хусусида, уларнинг асосий мақсадлари ҳақида маълумот берсангиз...**

— Халқимизда азал-азалдан йўл, кўприк қуриш савобли иш дея саналади. Шу боисдан ҳам жамоамиз аҳли ана шундай савобли ишни кўп йиллардан буён амалга ошириб келаётганлигидан беҳад фахрланади. Яна шуниси қувонарлики, бизнинг иншоотларимиз машаққатли меҳнатлар эвазига қад ростлайди ва юртимиз равнақи, ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилади. Шунинг учун ҳар сафар фойдаланишга топширилган иншоотимизга назар ташларканмиз, касбимиздан, одамларга фойдали юмушни уддалаётганимиздан фахрланиб қўямиз. Жамоамизда 400 нафардан зиёд турли касб эгалари меҳнат қилишади. Улар орасида моҳир усталар, тикловчи, дурадгор, пайвандчи, ҳайдовчи, ер қазувчи, хуллас бунёд этажак иншоотларимизнинг яратувчилари бор. Шунингдек, бошқармамиз қошида темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи база, автохўжалик фаолият кўрсатмоқда. Арматура ҳамда пайвандлаш цехларимизда иш доимо қизғин. Чунки бунёд этажак иншоотларимиз учун қурилиш ашёлари мана шу цех ва базада тайёрланади.

**— Кейинги йилларда бошқарма бунёдкорлари томонидан жуда кўплаб иншоотлар қурилмоқда. Бу, албатта, сизларга катта масъулият юклайди. Ўтган йилларда жамоа томонидан қандай ишлар амалга оширилди?**

— Мустақиллик туфайли она диёримизда қурилиш ишлари ниҳоятда авж олди. Бу бизнинг ишимизга ҳам барака бағишлади. Ўтган йиллар давомида қанчадан-қанча кўприк ва йўллар, ер ости ўтиш йўллари қурилишида фаол қатнашдик. Айниқса, 1999 йилда қисқа муддатларда фойдаланишга топширилган, пойтахтимизнинг Амир Темур ва Аҳмад Дониш кўчаларида 14 қисмдан ташкил топган, Марказий Осиёда биринчи бўлиб қуйма монолит технологияси қўлланилган замонавий кўприк, Тошкент —Ангрен темир йўлининг 10 километридаги Чирчиқ дарёсига қурилган кўприк, шаҳримизнинг Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси билан Гавҳар кўчаси кесишувидаги кўприклар меҳнатимиз натижаларидир.

**— Пойтахтимизда бунёд этилаётган Кичик Ҳалқа йўлидаги транспорт ечими — барча кўприкларнинг бунёдкорлари ҳам сиз раҳбарлик қилаётган жамоа аҳли экан...**

— Албатта, кейинги йилларда транспорт воситаларининг сони ортиб бораётганлиги пойтахтимизда ана шундай йўл барпо этишни тақозо қилди. Ушбу йўл транспорт воситалари ҳайдовчиларига ниҳоятда қулай бўлиб, бир томондан уларнинг хавф-хатарсиз юриши таъминланади, тиқилинчликларга барҳам бериб, энг керакли қимматли вақтдан ютишига муҳим ҳисса бўлади. Шаҳримизнинг 9 та туманини қамраб олган ушбу 32 километрли йўл қурилишидаги кўприкларни тиклаш бизнинг зиммамизга юклатилган. Ўтган йили бошланган ушбу йўл қурилишида Буюк Ипак йўли, Паркент, Эргашев, Мусахонов кўчаларидаги 4 та кўприкни тез ва соз фойдаланишга топширдик. Жорий йилда эса Ҳамза Умаров кўчасидаги «Қушбеги» кўприги тўла таъмирланди ва айни кунларда Фарҳод ва Усмон Носир кўчалари чорраҳасида бунёд этилаётган кўприкни вақтида фойдаланишга топшириш учун қизғин ишлар давом этмоқда. Ушбу қурилиш майдонида 100 нафардан зиёд ишчи-хизматчи куч-ғайрат сарфлашмоқда. Шунингдек, қурувчиларимиз Амударё кўприги ва Қамчиқ довони қурилишларида ҳам алоҳида шижоат билан меҳнат қилишаётганини таъкидлаш жоиз. Меҳнатимиз самарасини таъминлашда эса Япония, Чехия ва бошқа давлатлардан келтирилган замонавий техникалар бизга қўл келяпти.

**— Баракали меҳнат қилиш учун, албатта ишчиларга яратилган шарт-шароитлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада нималарга эътибор қаратилган?**

— Ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор берамиз. Нафақат уларга, балки оилаларига ҳам ғамхўрлик яратишни кўзда тутганмиз. Меҳнат таътили даврида ишчи-хизматчилар дам олиш оромгоҳларида оила аъзолари билан ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Бунинг учун уларга имтиёзли йўлланмалар ажратилади. Қарияларни қадрлаш йилида фахрийларимизга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишни ҳам режалаганмиз. Албатта, яратилаётган меҳнат ва дам олиш шароитлари самарали натижа беришини, жамоадошларимизнинг кайфиятларини кўтаришини, уларга куч-ғайрат бағишлашини жуда яхши англаймиз. Шу ўринда яна бир нарсани айтишим лозимки, илғорларимиз сафини кенгайтиришда ҳам унинг ўрни муҳимдир. Бошқармамизда ана шундайлар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, Зокир Темирхўжаев, Константин Пеньков, Шоҳруҳ Тожиев, Ҳамидулла Бухоров, Хўжамурод Бозоров сингари ишчи-хизматчиларимизнинг фидойи меҳнатларини кўрсатиш лозим.

**— Келгуси режаларингиз?**

— Кичик Ҳалқа йўли қурилишида яна фаол иштирок этиб, Амир Темур ва Абдураҳмонов кўчалари кесишган жойда ҳамда Фарҳод ҳамда Халқлар дўстлиги кўчалари чорраҳасидаги кўприкларни қуриб, фойдаланишга топшириш, Уйғур кўчасида ер ости йўли бунёд этиш навбатдаги ишларимиздир. Шунингдек, буюртма асосида мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиш ниятидамиз. Энг муҳими, мустақил юртимиз равнақи йўлидаги ишларга ўзимизнинг муҳим ҳиссамизни қўшамиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА суҳбатлашди.**

## Сержило ва сифатли

**Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Инвест-тош» масъулияти чекланган жамиятининг сифатли маҳсулотлари бугун юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ривожига салмоқли ҳисса бўлмоқда. Боиси корхона тадбиркорларининг изланишлари туфайли бу ерда рақобатбардош қурилиш материаллари тайёрланмоқда.**

Корхонада асосан маҳаллий хом ашё— мармар харсангидан маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, ушбу хом ашё Жиззах, Самарқанд, Навоий вилоятларидан келтирилади. Улар корхона цехларига ўрнатилган замонавий хориж технологияси асосида қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолида буюртмачиларга етказиб берилади. Қурилиш-тиклаш ва пардоз ишларида қўлланилаётган рангли ва суратли мармар плиткаларнинг харидорлари эса ортиб бормоқда.

ТАДБИРКОРЛИК

— Ўтган йилда 170 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли адо этишга муваффақ бўлдик, — дейди корхона директори Зарип Назаров. — Бу, албатта Италиядан келтирилиб ўрнатилган замонавий технология ҳамда ишчи-хизматчиларимизнинг уларни яхши ўзлаштириб олганлиги натижасидир. Асосий мақсадимиз маҳаллий хом ашёдан хорижникидан асло қолишмайдиган, кўплаб йиллар халқимизга хизмат қиладиган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариб, уларни нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам харидоргир бўлишига эришишдир. Бунинг учун изланишларимизни давом эттириб, маҳсулот турларини кўпайтиришга, унинг сержило хилларини яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Шуниси қувонарлики, ҳозирда Қирғизистон, Қозоғистон давлатларидан буюртмаларимиз бор. Тошкент метрополитени қурилиши, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги объектларига ўз маҳсулотларимизни етказиб бераяпмиз.

Корхона аҳли жорий йилни ҳам муваффақиятли бошлади. 40 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоа ўз маҳсулотлари билан туманда ўтказилган «Ташаббус — 2002» кўрик-танловининг ғолиби бўлди. Бу уларнинг изланишларига алоҳида қанот бағишлади. Мамлакатимиздаги қурилиш объектларига кўркам ва замонавий безак ҳамда қурилиш ашёлари етказиб бериб, бунёдкорларга мадад бўлаётган, кўркам иншоотлар қурилишига муҳим ҳисса қўшаётган тадбиркорларнинг эзгу ниятлари юксак. Улар маҳсулотни қадоқлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратиб, экспорт ҳажмини орттириш, жаҳон бозорига қадам қўйиш мақсадида меҳнат қилишмоқда. Зеро, «Интилганга толе ёр» дейишади. Уларнинг толелари ҳам, албатта қилинаётган саъй-ҳаракатлар туфайли ҳамиша ёрқин бўлишига шубҳа йўқ.

**(Ўз мухбиримиз)**





ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

## Замонавий ва кўркам бинолар

***«Габус-қурилиш-тўрт» шўъба корхонасининг ташкил этилганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Энг муҳими, жамоага тажрибали ва моҳир бунёдкорлар жалб этилган бўлиб, улар шаҳримиз кўркига янада чирой бағишлаш ниятида қурилиш майдонларида ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.***

Корхонада ўз ишининг усталари бўлган турли касб эгалари меҳнат қилишади. Айни кунларда эса улар пойтахтимизнинг Шевченко кўчасида иккита кўп қаватли ғиштли уйни тиклаш ишлари билан банд. Ушбу уйларнинг сифатли ва мустаҳкам, яшовчилар дидига мос этиб фойдаланишга топширилиши меҳнат қилаётганларнинг куч-ғайрати ва касб маҳоратига боғлиқ. Айни вақтда тикловчи ва ғишт терувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Тикловчи Талгат Тастанов (чапдаги суратда) ана шулар жумласидандир. У ўз вазифасини сидқидилдан уддалаб, қурилиш ишларининг жадал боришига ҳиссасини қўшмоқда. Ғишт терувчилар Пўлат Зиёев ва Зокир Ориповлар (ўнгдаги сурат) ҳам ҳамжиҳатликда тер тўкишмоқда. Уларнинг режа асосида олиб бораётган ишлари ўз самарасини кўрсатиб, уйлар тобора тезроқ тикланмоқда. Куч-ғайрат кўрсатаётган бунёдкорларнинг мақсади эса ушбу замонавий ва кўркам турар жой биноларини жорий йилда қуриб битказишдир.

**Дилноза ҒИЁСОВА**



***Пойтахтимиз кўчалари кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Айниқса кенг ва равон йўллар ҳамда уларнинг атрофига экилган дов-дарахтлар шаҳримиз ҳуснига ҳусн бағишлайди.***

***Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.***

Жамият, инсон, ҳуқуқ

## СУД ЖАЗОЛАМАЙДИ, ЁРДАМ БЕРАДИ

**дейди Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг раиси Козим Комилов**

**Аслида бу гаплар, Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳуқуқий-демократик жамиятда судларнинг ўрни ва роли қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикрларининг хулосаси, — дейди Козим Фозилович сўзини давом эттириб. — Хабарингиз бор, бугун мамлакатимизда кечаётган суд ислоҳотининг ташаббускори бўлган Юртбошимиз бундан уч-тўрт йил муқаддам «Суд жазоловчи органгина эмас, оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилот бўлмоғи керак» деган фикрни Олий Мажлис минбарида туриб айтган эдилар. Бу қанотли фикрлар, ниҳоят, бугун халқимиз, шу жумладан ҳуқуқшунослар ҳам мамнун бўлиб олқишлаётган Жиноий жазоларни либераллаштириш бўйича янги Қонуннинг қабул қилинишига олиб келди.**

**— Яъни, суд энг аввало фуқаролар манфаатини ҳимоя қилувчи ва уларга ёрдам берувчи идора эканлиги шу Қонун билан тасдиқланди демоқчисиз, шундайми?**

— Албатта-да. Мазкур янги Қонунни ҳуқуқий давлат барпо этишдаги инсонпарварликнинг олий намунаси дейиш мумкин. Бу нарса, энг аввало, билиб-билмай муайян жиноятни содир этган кишиларни бўлар-бўлмасга ҳибсда ушлайвериш амалиётидан воз кечилганида намоён бўлади: жамият учун хавфли жиноят қилмадими, марҳамат, суд уни жиноятчи деб жазо белгиламагунча эҳтиёт чораси — очиқда юраверсин. Шунингдек, қатор жиноят турларининг «оғир»дан «енгил»га томон сурилиши, айниқса иқтисодий жиноятлар бўйича агар айбланувчи етказилган зарарни тўласа озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик оқилона ечимдир. Бу нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши тоталитар шўро тузумидан қолган инсонпарварликка зид жазо ўлчовларига барҳам бериши билан қонунчилигимизда тарихий ҳодиса бўлди. Булардан ташқари, янги Қонундаги ярашитирув институти, Жиноят Кодексидаги 26 та модда бўйича жабрланувчи ва айбланувчини ярашитириш имкони яратилганлигининг фуқаролар учун ҳам, давлат ва жамият учун ҳам қанчалик улуғ манфаатлар келтиришини узоқ гапириш мумкин. Айниқса, оилавий муаммолар бўйича уришиб қолган эр-хотинлар, эҳтиётсизлик оқибатида арзимас қоидабузарликларни содир этган кишиларни судлаш, баъзан бир неча йилга озодликдан маҳрум этиш жазоларини белгилашга мажбур бўлиш судьялар учун ҳам инсоний нуқтаи назардан оғир ва машаққатли вазифа эди.

**— Козим Фозилович, Республика Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига асосан мамлакатимизда 2001 йил 1 январдан фуқаролик ишлари бўйича судлар тизими ўз фаолиятини бошлади. Сиз бу ташкилотнинг пойтахт бўғинига дастлабки кунлардан бошлаб раҳбарлик қилиб келаётган тажрибали ҳуқуқшунос сифатида янги тизимни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва унинг вазифалари тўғрисида, қолаверса, ўтган бир йилдан ортиқ давр ичида Тошкент шаҳри бўйича бу вазифалар қай даражада бажарилаётгани хусусида гапириб берсангиз.**

— Фуқаролик ишлари бўйича судларни ташкил этишдан энг асосий мақсад — фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини малакали ҳимоя қилиш. Мен «малакали» сўзига урғу беришингизни истардим. Сабаби, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари илгари ҳам ҳимоя қилинган, фуқаролик ишлари илгари ҳам бўлган ва кўрилган. Фақат, бу ишлар умумий судларда кўрилган. Яъни, жиноят ишлари ҳам, фуқаролик ишлари ҳам битта судда шу судьялар томонидан кўрилаверарди. Бунинг устига, у судларда кўпинча фақат фуқаролик ишларини кўришга жалб этилган мутахассис судьялар бўлмасди, жиноят ишини кўрадиган судьяга фуқаролик ишлари ҳам берилаверарди. Бунинг натижасида эса, фуқаролик ишлари иккинчи даражали иш сифатида четга сурила-сурила, баъзи ишлар бир неча ойлаб кўрилмай ётаверарди, ҳал қилув қароригача баъзан бир неча йилларга ҳам чўзиларди. Буларнинг ортида эса фуқароларнинг беҳуда сарсон-саргардонлиги, қанчадан-қанча моддий ва маънавий зарарлар ётишини тушуниш қийин эмас. Пировардида эса, шунча сарсонлик устига, баъзан ишларнинг ноқонуний, адолатсиз ҳал қилиниш ҳоллари учраб турарди. Бунинг асосий сабаби эса — малакасизлик. Малакасизликнинг сабаби — судья ихтисослашмаган, ҳам жиноят, ҳам фуқаролик ишлари билан шуғулланавериш натижасида фуқаролик ишларини кўриш-ўрганиш учун ихтисослашишга имкони бўлмаган, иштиёқ бўлмаган ва баъзан бунга эҳтиёж ҳам оқсаган.

**— Энди-чи?**

— Энди, кўриб турганингиздек, ихтисослашдик. Фуқаролик судлари ташкил этилишининг ўзи ихтисослашув эди. Бу ёғига, малакани ошириб бораяпмиз. Малака эса, ўқув семинарлари, машғулотлардан ташқари, энг асосийси — амалий тажриба орқали ортади. Яъни, ҳар куни, мунтазам равишда фақат фуқаролик ишлари билан шуғулланадиган судья хоҳласа-хоҳламаса бу соҳага оид барча қонунларни варақлайди, турли қарорлар ва низомларни ўқийди-ўрганади, хулосалар чиқаради ва амалиётда қўллайди. У шундай қилишга мажбур, кундалик иши шуни талаб қилади. Ва шу тариқа, ўз-ўзидан малакали судья бўлиб етишаверади.

Келажакда янада ихтисослашиш режамиз бор: низоларнинг асосий турлари — оила, турар-жой, мерос, меҳнат низолари бўйича билимлар чуқурлаштирилади. Шунингдек, бозор иқтисодига кириш муносабати билан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларини, меъёрий ҳужжатларни мунтазам ўрганиб, ҳаётга татбиқ эта бориш керак.

**— Козим Фозилович, энди, бевосита Тошкент шаҳар Фуқаролик ишлари бўйича судининг таркиби ва улар томонидан ўтган йил давомида бажарилган ишлар ҳажми ҳақида икки оғиз маълумот берсак. Иложи борича ҳисобот тариқасида бўлмасин.**

— Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва унинг жойларда туманлараро 5 та — Акмал Икромов, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Миробод туманлараро судлари фаолият кўрсатмоқда. Тошкент шаҳар судида 15 нафар, барча туманлараро судларида 30 нафар судья ишлаяпти. Булар бари қанча иш бажарди денг? Тошкент шаҳар ва туманлараро судларига 2001 йилнинг бошида 2436 та фуқаролик иши қолдиқ бўлиб ўтган, йил давомида 28072 та иш келиб тушган, шундан 27564 та иш тегишли тартибда кўриб чиқилган ва 23422 таси бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилган. Агар буни 2000 йилга таққослайдиган бўлсак, тугалланган ишлар сони 7479 тага, ҳал қилув қарорлари қабул қилинган ишлар 4144 тага кўпайган. Булардан ташқари, ўтган йил мобайнида қуйи судларда узоқ йиллар ечимини топмай келаётган бир неча ўнлаб ишлар кўрилиб, ўзининг қонуний ечимини топди.

Хулоса қилиб айтсак, 2001 йилда ҳар бир судьяга 920 та иш тўғри келди. Мен шу ўринда қонунчиликдаги ўзгаришлар, хусусан апелляция инстанцияси жорий этилишининг аҳамиятини таъкидлагим келади: булар энг аввало судлардаги сансалорликнинг олдини олишда, қуйи судларда йўл қўйилган камчиликларни йўқотишда ижобий роль ўйнади. Ўтган йили шаҳар фуқаролик суди 1113 та ишларни апелляция ва кассация тартибида кўриб, мазмунан ҳал қилди. Умуман олганда, дастлабки йил биз учун тикланиш йили бўлди: фуқаролик ишларини қонуний, адолатли ҳал қилишни йўлга қўйиш билан бирга ташкилий масалалар ҳам аста-секин ҳал этилмоқда. Хусусан, шаҳар ҳокимлиги ёрдамида иккита туманлараро судларига бинолар ажратилди, уларни тезроқ таъмирлаб кўчиб ўтишимиз керак. Айни пайтда ўзининг ечимини кутаётган қатор камчиликларимиз ҳам борлигини таъкидлашимиз лозим.

**— Козим Фозилович, шу муносабат билан мана шунча катта ҳажмдаги ишларни бажаришга қодиру иқтидори етарли, яъни малакали кадрларни танлаш ва тайинлаш жараёнлари қандай кечаётганини билиш газетхонлар учун қизиқ бўлади деб ўйлайман.**

— Бу борада аввало шуни айтиш лозимки, судьялар илгари Адлия вазирлиги томонидан танланар ва тайёрланар эди, кейин бу вазифа вазирлик ҳузурида янги ташкил этилган департаментга юклатилди. Сўнг, номзодларнинг ҳужжатларини тўплаш, тегишли органларда суҳбатдан ўтказиш ва малака ҳайъатлари сонини қисқартириш мақсадида Президентимиз томонидан берилган тавсияга асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатга асосан судьяларни танлаб, тайёрлаб заҳирага қўйиш ва сўнг муносибларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий Малака комиссиясига тавсия этиш ваколати Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари малака ҳайъатларига берилди.

**— Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ҳузуридаги малака ҳайъати бу борада қандай тажрибаларни қўллаяпти?**

— Асосий янги тажриба шуки — судьяликка танлов асосида заҳирага олаяпмиз. Малака ҳайъатига судья бўлишни хоҳлаган ҳуқуқшунос ҳужжат топширади, имтиҳондан ўтса, яъни билими, тажрибаси, қолаверса инсоний фазилатлари талабга жавоб берса — заҳирага олинади. Сўнг улардан муносиблари лавозимга тавсия этиш учун юқорида эслатилган Олий Малака комиссиясига тавсия этилади. Заҳирага қабул қилишнинг, албатта, асосий битта шарти бор: туманлараро судлар судьялигига даъвогарлар камида уч йил адлия-ҳуқуқ идораларида иш стажига, шаҳар суди судьялигига даъвогарлар эса уч йил судьялик стажига эга бўлишлари лозим. Улар заҳирага олингач, Олий Малака комиссиясига тавсия этилгунга қадар шаҳар судимиз ҳузурида ташкил этилган ўқув семинарларида билим ва малакаларини ошириб борадилар. Сўнг шаҳар малака ҳайъати имтиҳон танловидан муваффақиятли ўтганлар Олий Малака комиссиясига тавсия этиладилар. Биз заҳирага кадр чақириш-йиғиш учун шаҳар ва республика миқёсидаги 15 га яқин ҳуқуқий идора ва ташкилотларга хат юбориб, судьяликка хоҳловчиларни таклиф этаяпмиз.

**— Демак, бу тажриба судья бўлиш ортидаги илгариги айрим ножўя гап-сўзларга ўрин қолдирмайди, чек қўяди деб ният қилса бўлади. Муҳими, бу усул ҳақиқатан ҳам фақат малакали ва муносиблар судья этиб тайинланишига ишонч туғдиради. Козим Фозилович, суҳбатимиз сўнггида, фуқаролик ишлари бўйича пойтахт судининг раиси сифатида бу тизимни янада такомиллаштириш бўйича таклиф-мулоҳазаларингизни билишни хоҳлардик.**

— Биринчидан, қонунлар судьяларнинг ишлашига қулай қилиб соддалаштирилса янада маъқул бўларди, деб ўйлайман. Бу борада мен унча мураккаб бўлмаган низолар — алимент, қарз ундириш кабиларга хўжалик судлари ишидаги мавжуд «Суд буйруғи» институти жорий этилишини истардим. Бунда фуқароларнинг ҳам, судьяларнинг ҳам ортиқча оворагарчилигига барҳам берилади. Яъни, алимент ундириш керак — ҳамма ҳужжатлар бор, қонуний. Томонларни чақириб суд мажлиси ўтказиш ўрнига жавобгарни алимент тўлашга жалб этадиган «Суд буйруғи»ни чиқариб қўяқолса ҳам қонун бузилмайди, иш соддалашади. Иккинчидан, фуқаролик ишлари бўйича судьяларга ёрдамчи, яъни «судьянинг ёрдамчиси» лавозими жорий этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Сабаби, агар жиноят ишлари судьяга етиб келгунча 7-8 босқичда тайёрланадиган бўлса, фуқаролик ишларида «ишни» тайёрлашнинг барча жараёни — даъво аризаларини қабул қилиш, суд мажлисида кўришга тайёрлаш, низо бўйича керакли ҳужжатларни қабул қилиб олиш, гувоҳларни тегишли тартибда огоҳлантириш, суд мажлиси кунларини тайинлаш жадвалини тузиш, тегишли мутахассисларни чақириш, етишмайдиган қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиш каби талай ишларнинг бари судьянинг зиммасида. Ҳолбуки, бу ишларни «судьянинг ёрдамчиси» бемалол бажарса бўлади. Айни пайтда бу лавозимда ишлаган ёш мутахассиснинг тажрибаси орта боради ва у судьяликка заҳирадаги энг муносиб номзод бўлиб етишиб боради. Судьянинг ишни қонуний, адолатли ҳал этишга вақти кўпроқ ажратилади. Бу Германия, АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларнинг суд тизимида мавжуд тажрибадир. Учинчидан, Юртбошимиз ҳар соҳада ёшларга катта умид боғлаётганлари бежиз бўлмагани учун, ёшлардан судьялик заҳирасини такомиллаштира борсак яхши самара бериши тайин. Чунки улар тоталитар тузум тарбиясидан, мафкурасидан узоқ бўлган, янгича фикрловчи кишилардир. Улар шўро мафкурасидан йироқ бўлгани каби, шўро даври қонунларидан ҳам йироқ мутахассислар бўлиб етишиши керак. Айни пайтда ана шу ёш, бўлажак ҳуқуқшунос мутахассисларни олий ўқув юртидаёқ ихтисослаштирилса — мақсадга мувофиқ. Бунинг учун суд соҳасидаги ислоҳотни такомиллаштира бориб, Тошкент Давлат юридик институти университетга айлантирилса ва тегишли факультетлар қошида ўрта курслардан бошлаб талабалар ҳуқуқшунос-иқтисодчи, ҳуқуқшунос-қонунчи, фуқаролик ишлари, жиноят ишлари, маъмурий ишлар, хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқшунос ихтисосликларига йўналтирилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

**— Суҳбатингиз ва таклифлар учун ташаккур. Бу яхши ниятларнинг рўёби йўлида сиз раҳбарлик қилаётган жамоага ҳам куч-қувват, илҳом мададкор бўлсин.**

**Суҳбатдош Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.**

